

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1988 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 117 (6. 606)

1988 йил 23 май, душанба

Баҳоси 3 тийин

Коммунистлар анжумани шарафига

Олдинги сафда

Тошкент бадий буюмлар фабрикаси кўчилик каштачиларининг бугунги кунда олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқдир. Ҳозир цехлар, бригадалар ва ишчилар ўртасида ўзаро беллашувлар авж олиб кетди.

Ҳар ким ўз имкониятидан келиб чиқиб, Бутуниттифок XIX партия конференциясига аризулик совға тайёрлаш орауси билан яшамоқда. Айниқса, лопоп цехи попочилари биринчи кварталдан буён илгорликни кўндал борма келишяпти. Попоп цехида «Янгилик» индекси билан ишлайдиган поток линия бригадаси бошлиғи Маъмура Тошмухамедованинг иши баракали бўлмоқда. Бу бригадани 18 киши ҳар ойда 14 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаряпти. Бригада аъзолари конференция очилганидан кўндал 3 йиллик планларини ошириб бажаришга азму-қарор қилишган.

Шу цехда ишлайтган Мавлуда Ибодова ҳам ўз зиммасига оширилган мажбурият олди. У бошқаларга ўрнатган бўлаётди.

Конференция шарафига ойлик планларини 40—50 процент ошириб бажариб, аъло сифатли маҳсулот тайёрлаётган Машкура Қосимова, Матлуба Дўстматова, Мазлума Ақромова, Хадича Исмолова қабиляри ҳам ҳурмат билан тилга олиш мумкин.

Комсомол-ёшлар ўз устозлари нздан бориб, кундан кунга иш суръатига суръат қўшиб ишлайяпти. Комсомол-ёшлардан Доно Фозилова, Гулнора Ёнубова, Жамила Фозилова, Табассум Орифжонова қабиляри кунлик нормани 130 процентга етказиб адо этишяпти. «Жами планга қўшимча 225 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарамиз!» — коллективнинг шiori ана шундай.

С. СУЛТОНОВ.

Шонли санага бағишлаб

С. Раҳимов районидagi 9-шина ремонт заводининг ишчилари ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Барча ишлар нурдат асосига кўчирилган туфайли квартал планлари ортиги билан бажариб келинмоқда.

Шу йилнинг биринчи кварталда 26 минг донга ўрнига 27 минг 56 донга автомобиль гилдиракларининг шиналари янгилаб, квартал плани 104,1 процент бажарибди. Халқ истеъмол моллари тайёрлаш плани 127 процент бажарибди. Маҳсулот реализация қилиш плани ҳам муваффақиятли адо этилди. Завод коллективи Бутуниттифок XIX партия конференцияси шарафига гайрат кўрсатиб ишляпти.

Коллектив ютуқларига зveno бошлиғи Ҳайитбой Тўқов, слесарь Адхам Иброҳимов, прессовчи Усмон Муқимжонов ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшишяпти. Завод ишчи-хизматчилари ўз ишларини қайта қўриш тадбирларини кўрмоқдалар. Конференция шарафига ярим йиллик плани муддатидан 5 кун илгари бажариш учун курашмоқдалар.

А. НАВИХУЖАЕВ.

БИЛДИРИШ

Пигирманчи қақирқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бешинчи сессияси 1988 йил 27 май соат 11.00 да олаб партия комитетининг катта мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй) очилишини маълум қиламиз.

Партия группасининг мажлиси соат 10.00 да бўлади. Депутатлар ўша ернинг ўзид соат 9.00 дан рўйхатга олинадилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Ишчи сулоласи

— Ҳозир ҳаммаёқда ўсиш-ўзгартиш, — дейди суҳбатдошимиз Нурание Айбулатова, — одамлар тилида «қайта қуриш», «жадаллаштириш» сўзлари...

Нурание она ҳақ. Яқинда марказий телевидение орқали чет эл вакиллари билан Совет Иттифоқида қайта қуриш ҳақида суҳбат бўлди. Энг қувончли ва характерли ери шундаки, чет эл кишилари қайси миллатдан бўлишларидан қатъий назар, «қайта қуриш» сўзини ўз она тилларида эмас, балки «перестройка» деб талаффуз этмоқдалар. Шу даражада у барча халқларга сингиб кетди! Бу — бизнинг мамлакатимиздаги катта янгилик, доланиш жараёни бугун Ер юзидagi инсониятни ҳам қизиқтираётганидан, бунга ҳавас қилаётганидан далоятдир.

Бу борада Нурание она билан фикримиз бир жойдан чиқди: Ҳўш, у ишлайтган «Среднегазавтоматика» заводида янгиликни қандай борапти? Очгинини айтганда, ҳали корхонада бу борада олиб борилаётган ишлар кишини қаноатлантирмайди. Лоақал, ҳўжалик ҳасобини бригадаларда жорий этиш масаласини олиб қурайлик...

Н. Айбулатова сингари қайта қуриш жоисуярлари бугунги кунда катта фаоллик кўрсатишяпти. Унинг ўзи туртинчи разрядли қолполовчи. Қачон ишчилар ўртасида социалистик мусобақа бошланса, биринчилар қаторида қўллаб-қувватлайди, бажонидил қатнашди.

Бугунга эмас, мана беш йилдирки, у суруппасига корхона бўйича социалистик мусобақада етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда.

Унинг Қозон шаҳридан келганига салкам ўттиз йил бўлиб қолди. Келдию серкўш республикамизнинг бог-роғлари, иқлими ёқиб қолди. Шу-шу у Ўзбекистонда, дўстлик шаҳри — Тошкентда.

Қизлари Клара ва Эльмира ҳам она нздан боришяпти. Улар ҳам ишчи касбига шўр қўйишган. Клара шу заводда қолполовчи бўлиб ишляпти. Эльмира эса қолполовчиға шўрли тушган. Мақсид — она нздан бориб, ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан эл-юртга хизмат қилиш, ишчи касбини угуллан.

Ишчи жамиямдор сўзларини ёқтирмайди. Нурание она ҳам. Қайта қуриш ишчининг дилидаги орау. У корхонада ҳўжалик тез амалга ошса, шўнчалик яхши. Бунинг учун ҳар бир киши бу ишга қўл қўри, бугун куч-гайратини бағишлаш кераклигини у яхши тушунади.

Х. АБРОРОВ.

СУРАТДА: Нурание Айбулатова.

Т. Каримов фотоси.



Тошкент Халқаро кинофестиваль очилишига тайёр!

Санъат кошонасида

Пойтахтимизнинг кўзга қўрилган санъат даргоҳларидан бири — Навоий кўчасидаги Санъат саройи биноси шу кунларда ҳаммаини диққатини жалб этмоқда. Унинг хибониди Халқаро кинофестиваль бошланётганидан далоят берувчи реклама маълумотлари ва турли кўргазмалар ўзига хос файз бахш этган. Санъат саройининг директори Обиджон Маҳмамович Холиқов муҳбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Санъат маскани коллективи Халқаро кинофестиваль очилишига ва дастлабки меҳмонларни даргоҳимизда кутиб олишга Ҳозирлик кўрмоқда. Санъат саройи коллективи фестивал кунларида катта залда конкурс фильларини, кичик залда эса ахборот тарихида намойиш этиладиган картиналарни кўрсатишга ҳозирлик қўрди. Иккала залга ҳаммаси бўлиб 60 мингга яқин томошабинга хизмат кўрсатиш режалари белгиланди. Маскандagi барча техни-

ка воситалари қайтадан ишга созланди. Бунга йил бошидан буён пухта тайёргарлик қўрилди. Кинокурсаути аппаратлари тегишли ремонтдан чиқарибди. Қўни-кеча Москва областининг Калинин шаҳридаги сўнъий чармлар корхонасидан янги кино экранли келтирилди. Бу экраннинг баландлиги 14, кенглиги 34 метрлар. Экранда нурлар жўлоси гўзал ва шайф бўлиб товланади. Садаф рангда товланувчи бу экранни ўрнатишда саройнинг бош инженерини Семён Моисеевич

Боязний жонбозлик кўрсатди.

У киши ўнта фестивалнинг барчасида фильларни сифатли намойиш этишда меҳнат сарфламонта. Қўни-кеча у Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Фестиваль кунлари Санъат саройи гавжум бўлади. Фойеларда «Ўзбекистон ҳўжалатли киноси», «Совет кино санъати» кўргазмалари ҳам намойиш этилади.

Томошабинлар Миср Араб Республикасининг «Хинди ва Камиланинг орзулари», Туниснинг «Чангдан чиққан одам», Туркиянинг «Тунги сўхат», Хиндистоннинг «Янаб Хиндистон», Хитой Халқ Республикасининг «Сўнъи телалик», Япониянинг «Кинодан келган бакил», Ўзбекистоннинг «Армон» фильларини кўришга мўясар бўладилар.

Санъат саройимизга — Тошкент кинофестивалининг намойишлар қароргоҳига хўш келибсиз!

Маҳорат давраси

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент Халқаро кинофестивали доирасида биринчи марта профессионал кинематографчилар клуби ташкил этилди. У СССР чет эл туризми давлат комитетининг Тошкент бўлимига қарашли маданият-ахборот марказида ўз фаолиятини бошлайди. Бу клубнинг шiori «Завқлар узра ахборотга, ахборотлар узра ўзаро тушулчуга ёндошув» деб аталади. Бу масканининг асосий мақсади кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари ўртасида ижодий ҳамкорлик мўносабатларини ўрнатишдир. Бунинг учун дўстона учрашувлар, филм алмашув-

лар, маҳорат ва ижод ҳақида баҳслар жўда ҳам қўл келлади. Фестивалнинг ҳар бир меҳмони ва унинг қатнашчиси бу клубнинг аъзоси бўла олади.

Клуб ҳўлисидида «Анор» чойхонаси ишляйди. Бундан ташқари, турли хил хизматлар ҳам ҳўдди шу ерда жойлашган. Улардан бири «Муносабат» деб аталади. У ерда клубнинг ишлари, программаси, матбуот конференцияларидаги баҳслар ҳақида етарли маълумотлар олиш мумкин. Ҳўдди шўнунгдек, клуб қошдаги кино бурча-гидида Ўрта Осиё, Қозғистон, Закавказье, РСФСР кинематографчиларининг олтин фондига кирган картиналар томошабинлар диққатига ҳавола этилади.

Клубда эрталаб ва кечқурун фестивалнинг оддий иш кунлари ҳақида ҳўжон қилувчи видеохроника лавҳаларини кўриш мумкин. Рапп-баранг концертлар, томошалар, конкурслар, модлар намойиши ҳар бир меҳмонга завоқ бағишлайди.

Бу клубнинг энг асосий вазифаси кинематографчиларнинг иш юзасидан амалий учрашувлари, ҳозирги пайтда ер кўрсатида ҳар бир инсонни ҳайжонлантираётган масалалар ҳўсусида фикрларини эркин ва кенг даврда баҳам кўришдир. Учрашувларда экология ва тараққиёт, тарих ва шахс, кино ва миллий маҳорат атанаси, Х фестивалнинг ёш киночилари ҳўсусида фикрлашилади. Баҳсларда мамлакатимизнинг таниқли ёзувчилари, олимлари, журналистлари қатнашишга таклиф этилган.

«Мен бахтиёр онаман»

1988 йилнинг 21 май кўни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри биносидида «Солидат онаси» 1-сўли бўлиб ўтди. Сўли Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи Сисий Бошқармаси, Тошкент шаҳар партия комитети, Ўзбекистон ССР Ҳарбий комиссариати ҳамда пойтахт хотин-қизлар Совети ташаббуси билан ўтказилди.

Байрамга келган оналарни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари В. Ф. Сатин табриқлади. У Ватанга мўносиб ўғлонлар тарбиялаб берган барча волидаларни сўли билан табриқлаб, миннатдорчилик билдирди. Ундан кейин сўзга чиққанлардан Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи Сисий Бошқармаси бошляғининг ўринбосари, генерал-майор В. П. Стрянин, республика ҳарбий комиссари полковник Е. И. Рибик ҳайтимиз кўрқи бўлган аёлларга узук умир, сўхат-саломатлик тилашди, фарзандларининг армияда аъло хизмат қилаётганида уларнинг ҳўсаси беқийс эканлигини таъкидлашди...

Академик театр биносининг олди эрталабданок одамлар билан тўлган. Уларнинг аксарияти ўрта ва кекса ёшдаги аёллар. Ҳаммалари чиройли кийинишган, орасида ҳарбийлар ҳам бор: солдат, курсант, офицер, генерал. Бу оналарнинг кўплари бундан қирқ беш йил муқаддам уруш гўдаклариди. Бу оилаларнинг кўплари уруш туфайли етим бўлиб қолган. Орадан йиллар ўтди, жангу-жадал анча ортда қолди. Лекин у қолдирган жароҳат битмади, битмайди ҳам. Фаровон кўнлар ҳам етиб келди. Ўша қирқинчи йиллар гўдакларини шердек йигитлар тарбияла-

бир аёл фарзанди ҳақида фахр билан сўзлайди. Садима Алиева, пенсияер, Октябрь район «Марказ-28» кварталда яшайди: — Менинг етти фарзандим бор. Шулардан олтитаси ўғил, биттаси қиз. Уч ўғлим хизматни ўтаб келишган. Туртинчи — Раҳман Ширмолий флотда ўз йигитлик бурчини адо этипти. Яқинда унга Нахимов медали берилади. Бунинг эшитиш шўндай хурсандманки, сўз билан тушултира олмаман. Болам Ватанга мўносиб фарзанд бўлганлигидан қувонмай бўладими?! Бугун келиши керак, сабрсизлик билан кутялман. Матросча кийим жўда ярашган бўлса керак ўғилгинамга.

Раҳима Охунова, Октябрь районидagi «Марказ-28» кварталда яшовчи беш болали она: — Менинг иккала ўғлим (учтаси қиз) ҳозир армияда. Алишернинг Қора деғиз флотиди хизмат қилипти. Алижоним эса Ички хизмат қўшинларида. Биринчиси кетганига бир ярим йил, инсончиси бир йил бўлди. Иккаласи ҳам ўз йигитлик бурчини яхши адо этипти. Яқинда Алишер хизматдаги муваффақиятлари учун командирлари томонидан ме-

далга тавсия этилибди. Бунинг эшитиш бошим осмонга етди. Бу ерда ҳам мени қайта-қайта табриқлашди. Ҳамда Маҳаммадйонов, Акмал Икромов районидан: — Кенжам Тоиржоннинг армияда кетганига олти ой бўлди. Ҳозир Мурманскда сержантликни ўқийпти. Шу олти ой ичиди командирларидан у ҳақда мақтов эшитдим. Мен бахтиёр онаман. Фарзандим ҳақиқий йигит бўлиб воляга етибди. Она учун бундан ортиқ бахт борми дунёда! Тилагим осмонимиз доим тинч бўлсин, армияга кетган ва кетаётган болаларимиз ой бориб, омон келишин. Улар фақат тинч, осуда ҳаётини ҳўмон қилишсин.

Чироқлар ўчди. Саҳнадаги парда қўтарибди. Бир текис саф торган ҳарбий қўшинчилар она ҳақида, Ватанга муҳаббат ҳақида қўшиқ айтишди. Тантанали кеча бошланди. У ерда йигилган қалби дари оналарни бошқалар қатори хизмат қилаётган ўғиллари ҳам магнит ленталари орқали қўлашди.

Р. МУҲАМЕДОВ.

СУРАТЛАРДА: сўли қатнашчилари ва меҳмонлари. Р. Шарипов фотолари.



ФКП МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ПАРИЖ. Бу ерда Франция Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб, Анжундада ФКПнинг муқаддаси илгари бўлаган парламент сайловига тайёргарлиги масалалари кўриб чиқилди, мазкур сайлов икки даврада 5 ва 12 июнь кунлари ўтказилди. Пленумда ФКП Бош секретари Жорж Марше доклад қилди.

У Франсуа Миттеран республика Президентини лавозимига қайта сайлаб, миллий мажлис тарқатиб юборилганидан кейин мамлакатда вуқудда келган сиёсий вазиятни таҳлил қилди.

ФКП Бош секретари социалистларнинг ун кучлар бир қисми билан ақилланишга қаратилган йўлини қоралади ва

Компартия ана шундай қоидага қўйила олмаслигини таъкидлади. Меҳнатқашлар аҳолининг ёмонлашувиغا қарши туриш, демократик эркинликлар учун, тинчлик сибсати ўтказишни унчун қонг кўрш олиб боришда кенг халқ оммаси, барча сўн кучларини бирлаштириш ФКПнинг вазифасидир. Франция ҳарбий программалар тўғрисидаги ун қонунини қайта кўриб чиқиши, ядро синовларини тўхтатиш, курулсаланиш, 2000 йилга қадар ядро курулини йўқотиб юборишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, космосни ҳарбийлаштириш ва «Европа» мудофасини ташкил этишдан воз кечиши керак, деди ФКП Бош секретари.

Жанговар атеизм

Клуб чорлайди

«Атеист» клуби одамлар билан гавжум. Бугунги кун тартибиди мазу — «Тиббиёт ва дин» тўғрисида республика илмий атеизм уйининг директор ўринбосари Б. Орифхўжаев суҳбат ўтказди. Ҳаётини фактлар асосида ўтказилган бу суҳбат ҳамма кизиқтириб қўйди. Лекторга саволлар ёғилди.

— Неге баъзи одамлар ҳали ҳам медицинадан кўра табибларга кўпроқ ишонишади?

— Чиндан ҳам, бемор дардига шифо бераолдигам табиблар борми?

— Неге динга ишонувчан одамларга маҳалла активлари ёрдам беришмайди. Ахир улар орасида ҳам пропаганда билан шуғулланган кишилар борку?

— Яқинда мен бир нарсанинг гувоҳи бўлдим, — дейди тингловчилардан бири, — ишхонамизда тасодиф туфайли бир аёлнинг оёғи қийилди лат енди. Биров дарҳол докторга олиб бориш керак, деса, биров табибга кўрсатиш лозимлигини таъкидлайди. Хуллас, уни табибга олиб боришди. Табиб биров лат еб этн узилган оёқни турткилайвериб чиқариб юборди. Охири аёл докторга мурожаат қилди. Шу ердан дардига даво топди.

— Маҳалламизда Тоир ака деган ўрта ёшли бир киши бор. Биров каттиқроқ йўталса ҳам отинга ўқитишни тавсия қилади. Хайрон қолсан киши, ахир отин нафаси доримизи беморини даволайди?

— Хар қандай касаллини фақат медицина даволайди. Буни қундалик ҳаётининг ўзи кўрсатиб турибди...

Суҳбат қизигандан қизиб борарди. Лектор саволларга жавоб бериб ўлгураолмасди. Ярим соатта мўлажалланган лекция роса икки соатга чўзилди. Ниҳоят мавзуга яқун ясалди.

Биз юқорида Чилонзор район «Атеист» клубида ўтказилган бир суҳбатдан мисол келтирдик, холос. Аслида эса бу ерда бундай йиғилишлар тез-тез бўлиб туради. Утган йили клубда 12 марта район меҳнатқашларини қизиқтирган турли мавзуларда суҳбат ўтказилди. Шу йилнинг беш ойи давомида эса олти марта атеистик мавзуларда лекция ўқилди. Айниқса, улардан «Янгича анъаналар — ҳаётини кўриш», «Тўйларимиз — ўйларимиз», «Санъат ва дин», «Марксизм-ленинизм» дунёқарашини шакллантиришда атеистик тарбиянинг роли» деган мавзуларда ўтказилган суҳбатлар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Район партия комитети атеистик тарбиянинг форма ва методларини таҳлиллаганида лекторларга яқиндан ёрдам бермоқда. Бу иш билан райкомнинг пропаганда ва агитация бўлими мунтазам шуғулланипти. Атеистик тарбияга оид масалалар бўлим томонидан район партия комитети бюроси йиғилишга олиб чиқилмоқда. Тарбиянинг оммавий усули бўлган лекция пропагандага эътибор қўйилмоқда. Районда ташкил этилган «Билим» жамиятининг доираси малакали лекторлар ҳисобига бойимокда. Утган йили улар томонидан жойларда 165 марта лекция ва суҳбатлар олиб борилиди. Маҳаллаларда атеизм декадалари, савол-жавоб кечалари ўтказилди.

Районда илмий атеизм бўйича икки халқ университетини ташкил турибди. Уларга икки юзга яқин тингловчи жалб этилган. Бу ерда М. Е. Гонкина, Д. Бурунов, О. Эшонхўжаев сингари тажрибали лекторлар суҳбат ўтказишади.

Районда ҳар йили «Биз яшайдиган уй» — янгича байрамни нишонлаш одат тусига кириб бормоқда. Бу байрам программасига меҳнат илгорлари ва ишлаб чиқариш новаторлари билан учрашувлар, уруш ва меҳнат ветеранларини шарафлаш, ёш куёв-келиндарини тантанали ниқоҳдан ўтказиш, кекса отахон ва онахонларнинг олтин ва кумуш тўйларини нишонлаш, Қадимон оналарга янги квартираларнинг қалитини топириши ва бошқа анъаналар киритилган. Утган йилнинг 3 октябрида ўтказилган бу байрамда минглаб кишилар қатнашди.

«Олмасор» кафеси базасида эса район партия комитети ва республика илмий атеизм уйи билан биргаликда ташкил этилган «Атеист» клуби ишлаб турибди. Клуб хизматчилари тез-тез район маҳаллаларида бўлишиб, бу жойларда кўча йиғилиш ва суҳбатлар ўтказишади.

Ешларни коммунистлик руҳда тарбиялашда атеистик пропаганданинг роли беиёсалигини ҳисобга олиб, районнинг бир қатор мактабларида «Еш атеист» ва «Прометей» клублари, ота-оналар университетлари ташкил этилган. Бу борада 103, 164, 200-мактаблардаги ибратли ишларини мисол келтириш мумкин.

Диний маросимларга қарши пропаганданинг муваффақиятини малакали атеист кадрларни тарбиялашга боғлиқ. Бунини ҳисобга олиб, район партия комитети республика илмий атеизм уйи билан биргаликда ўтган йилнинг январидан бошлаб атеист тарбия ташкилчилар мактабини ташкил этган эди. Мактаб ҳозирда еш кадрларнинг севиали масканига айланиб қолган. Унинг биринчи 30 кишидан иборат қадриятчилар шу йилнинг февраль ойида ўқиниш тугаллаб чиқишди.

Маълумки, ҳозирги қайта қуриш, жадаллаштириш ва ошқоралик замонида атеистик пропаганданинг роли катта. Район атеистлари ўз ишларини ана шу позициядан туриб, олиб боришга таянганлиги ибратлидир.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Мақоллар

Эшоннинг қорни бешир,
Бири ҳаммиса бўшир.

Эшоним деб эшагимдан ай-
ридим.

Доила оч қолса, бозор
незади,

Сўфи оч қолса — мазор.

Одамнинг ёмони — мулла,
Мулланинг иши — хийла.

Қийишқ аравга йўл бузар,
Қози — мулла эл бузар.

Касал жоннинг ҳаракатида,
Табиб — пулниг.

Нонини кўрса, мулла диндан
чинади,

Олтинни кўрса, фаришта
йўлдан чинади.

Куллуқ қилсанг тўрага,
Йиқилсан урага.

Муллал овул кўрқон,
Бахшиш овул ботир.

Ромчининг ромидан
Ўзининг хом хаёлинг яхши.

Шариатда шарм йў.

Шариатнинг қули кўп.

Фолбиннинг сўзига аҳмоқ
ишонар.

Одамнинг ёмони — сўфи,
Егонинг ёмони — сўфи.

С. АҚАРХУЖАЕВ
тўплаган.



Мана шундай АҚШ армияси таркибиди «химини солдат»нинг машуам қиёфаси ас этган суратлар Фарб газета ва журналларнинг саҳифаларида тобора тез-тез учрамоқда. Бельгиянинг «Грип энформасон» бюллетени хабарига қараганда Пентагон шу ўн йилликда химиявий курул-юргларини ва химиявий куруллардан химия вояларини ишлаб чиқаришга 10,5 миллиард доллар сарфлашни мўлжалламоқда. Бюллетенинг гувоҳлиги беришча, Пайн-Блаффдаги (Арканзас штати) махсус заводада дастлабки сериали бинар курули ишлаб чиқарилиши билан ишловиланган. Бундан ташқари АҚШ президенти яқинда «Бигай» бинар химиявий аналитикаларини ишлаб чиқаришга рухсат берамаги тўғрисида конгрессни хабардор қилди.

«ФИНЛЯНДИЯ —
ГИЛДИРАККА УТ»

Бутун мамлакатда велосипед кунини деб эълон этилган 17 май кунини юзлаб финлар хотирасида офтоб қарақандан ва кишининг руҳини кўтардиган шамолнинг сўзиди, кўйлаб ҳавоси сифатида сақланиб қолди. Финляндия пойтахти бўйлаб, оммавий велосипедда 20 километр масофани босиб ўтишга катта-кичик ҳар хил касблардаги кишилар чиқди. Порво ва Васа, Пори ва Турку, Ювяскюль ва Савонлинна шаҳарларида ҳам ана шундай велосипедда юришлар бўлиб ўтди.

У. К. Кекконен номидаги физикўлтура институтини ҳузуридаги махсус комиссия ана шу велосипед кунини ташкил этди. Бу кунининг номи: «Финляндия — гилдиракка ут» — деб таржима қилиш мумкин. Ҳозирги вақтда Финляндия шаҳарларида ҳар беш кишининг бири велосипедни бошқа транспорт турларидан афзал билади.

Фин велосипедчилари соғломлаштириш максадларидан ташқари гирт иқтисодий вақтларини ҳам назарда тутишлари: чунки шаҳар транспортининг кира

КАЛЕЙДОСКОП

ҳақи муттасил кўтарилиб бормоқда.

СУНЬИ ТИЛ
МУЗЕИ

Австрия давлат халқонасида жойлашган кутубхона эсперанто музеини бутун дунё тилшунослари ва фан маназур бўлмоқда. Музейда одам атайлаб яратган сунъий тилларнинг вужудга келиш ва ривожланиш тарихи тўғрисидаги китоблар ва ҳужжатларнинг жаҳонда энг катта коллекцияси йиғилган. Яқинда музей бўлиб этилганлигини 60 йиллигини байрам қилди.

Музей экспозициясида эсперанто тилида топ этилган 13 минтақадан кўп китоб бор, дейди унинг директори Х. Майер. — томошабинлар сунъий тилнинг ривожланиш тўғрисида ҳикоя қилувчи қўлдан-қўл фотоҳужжатлар ва ишлар билан ҳам танилиб чиқишлари мумкин. Бу тилин бундан 100 йил аввал Варшавада унинг ижодчиси — поляк врач Л. Заменгоф жамоатчиликка тақдим этганди. Мутахассисларнинг чама-ларига қўра, ҳозир дунёда эсперанто тилида сўзлаша оладиган 16 миллиондан кўп одам бор.

Ҳозирги халқро муносабатлар тарихи соломасига 1988 йилнинг 15 майи зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Ёр юзидида можааролардан бири — Осиё марказида жойлашган Афғонистон теварағидидаги вазиятни бартараф этиш йўлида катта қадам қўйилди. Женева битимлари кучга кирди. Совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиш бошланди.

Совет жангчилари Афғонистон дийридан интернационал бурчларини шараф билан адо этган ҳолда қириб кетмоқдалар. Маълумки, улар афғон халқи учун оғир пайдада, мамлакат ички ишларига ташқаридан аралашув хавфи тўғрисида ёрдамга келишганди. Улар Афғонистон қонунини ҳукуматининг илтимосига кўра келишди. Бунда Совет Иттифоқининг интернационализм принципларига содиқлиги ана бир қарор намоён бўлди. Ватанимизнинг жасур йигитлари қўшни халққа ёрдам бериш интернационал бурчларини шараф билан бажармоқдалар. Бу қурбонларни тақозо этди. Афғонлар дийрида қаҳармонларга ҳалок бўлган совет интернационалчи-жангчилари хотираси ҳар биримиз учун муқаддас. Партия, совет органлари ҳалок бўлганларнинг оилаларига, уларнинг ота-оналари ва яқин кишиларига меҳрибонлик, хайрихоҳлиқ қилишни тўғрисида гаҳмўрлик кўрсатишлари лозим.

Тарихга қисқача назар

ташлайлик. 1978 йилнинг апрелида АХДП раҳбарлигида Савр иқлибони амалга оширилди. У чўқур социалистический ўзгаришлар программасини эълон қилди. Лекин мамлакат ҳали бунга тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди. Бошланган ички кураш партиянинг ўзида бирлик йўлини ва иқлибоннинг курулли душманлари

Янгича фикрлаш

ҒАЛАБАСИ

четдан ёрдам олиши билан чўқурашиб кетди. Шунинг учун 1979 йил охирида АДР ҳукумати ташқаридан курулли аралашувни даф этиш учун ёрдам сўраб Совет Иттифоқига бир неча бор илтимос қилди. Илтимос июльда олинди, совет қўшинларининг чекланган қисми афғон дийрига кирди. Афғонистон Республикасининг президенти, АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари Нажибулло таъкидлаганидек, афғонлар дийрида совет интернационалчи-жангчилари мамлакатининг озолини ва муқаддаслигини ҳимоя қилиш йўлида жасорат кўрсатдилар. Бу жасорат афғонларнинг хотирасида мангу сақланиб қолади.

Икки йил муқаддам, КПСС XXVII съездидаёқ Совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги масала қўйилган эди. Афғонистоннинг ўзида мамлакат раҳбарини ўтган йил бошида эълон қилган миллий яраш йўлида ҳам ана шундай янгича фикрлаш ўз аксини топди. Биродарқушлик қон тўкилишини тўхтатиш, барча афғонларнинг миллий ярашувига эришиш, оппозиция билан коалиция сари йўл тутилди. Бу сиёсий матонатни тақозо этди. БМТ Бош секретариининг шахсий, вакили Кордовес бошчилигида Афғонистон — Покистон музокаралари олти йил давом этди. Уларни муваффақиятли тугаллаш йўлида барча тўсиқларни

олиб ташлаш учун кўпгина ҳарбий можааро узоқ вақт мобайнида давом этиб келди. Чўзилиб кетган афғон муаммосини бартараф этишга янгича сиёсий фикрлаш сибсати имкон берди. Хар қандай можаароли назият ёки бахсини курули кучи билан эмас, балки сиёсий ва дипломатик йўл билангина ҳал этиш керак ва мумкин.

Женева ҳужжатлари 15 майдан эътиборан кучга кирди, совет қўшинларини олиб кетиш бошланди. Уч ой ичида қўшинларимизнинг ярми Ватанига қайтади. Олиб чиқиб кетиш эса тўққиз ой ичида тугалланади. Жанубий қўшнимиз ўз ички масалаларини ўзи ҳал этади. Афғонлар хоҳиш — Афғонистон экономикада — кўп уқладли, ички сибсатда — кўп партияли, ташқи сибсатда эса муқаддас, қўшилмаган ва бетараф мамлакат бўлишидир.

Совет Иттифоқи анъанавий ва тарихий муносабатларга таяниб, дўст афғон халқига мамлакат экономикасини қайта тиклашда ёрдам кўрсатади, унинг иқтисодий ва социал тарқиқотиға кўмаклашаверади.

А. РҒЗИЕВ,
халқро шарҳловчи.

Сўз—интернационалчи — жангчиларга

Афғонистон йўлларига ишонамиз

Афғонистон биз учун ҳаёт мактаби бўлди. Оқу қора, яхшилик ёмонлик, дўсту душман фарқини, уруш офати-ю тинчлик шуғри нима эканлигини ўргатди, кўрсатди.

Мен командирлик қилган бўлишга топ маънода интернационал оила эди — ўн бир миллат болалари бир оиланинг фарзандлариди. Икки эди. Уларнинг кўпчилиги ўз интернационал бурчларини адо этиб қайтганларга ича бўлди. Лекин Афғонистонда юзга келган дўстлиқчилар ишталари узилган эмас, аксинча ана ҳам муқаддаслиги бормоқда.

Бир кун афғон солдатиини уратиб қолдим. Маҳаллий ўзбекини илк уратганидан турсун эдим. Унинг исми Ҳайдар бўлиб, жуда хушчақчақ бола экан. Гапимиз дарров бир-бирига қовушиб кетди. Ҳайдар бошидан ўтганларини сўзлаб берди.

Ҳайдар болалигинидаёқ онасидан жудо бўлди. Кимларингидир қийла-нарангига учган отаси иккала фарзанди — Носирали ва Ҳайдарни олдиға олиб душман томонига ўтади. Лекин кўп ўтмай афғонларнинг афғонлиги, Аммо орто қайтишнинг илоки йўқ. Ичган қасами бўйига гов эди. Айниқса, оғир машаққатли меҳнатдан ёш Ҳайдарнинг кўраётган кунини ота қалбини қаттиқ изтиробга солади.

— Ортиқ душманлик қилмайман! — Ҳайдар ўзини тўтиб

туролмайди, кўзи жикка ёшга тўлади. Носирали соқчилиқни қабул қилган кунини тунда уқаси Ҳайдарни бу ердан қочишга ёрдам беради. Бу сир ошкор бўлишнинг, душманлар аксини соғ қўямаслиқларини Ҳайдар жуда яхши биларди. Ҳайдар узоқ юриб бир қишлоққа кириб боради. У ердан сарбозлар армиясини қидириб топади. Қомандирга воқеани сўзлаб беради. Кечга томон улар жангга оспанадилар. Душманларини тор-тор қийладилар. Ақаси «туноқ» учун оспаналиқини кўриб, Ҳайдар газзобланади. Душманлардан унинг ўқини олишга бел боғлайди.

— Шу-шу сарбозлар билан биргизан, — дейди Ҳайдар узоқ жимликдан сўнг. — Тўғрилиқ ўсган юртимда тинчлик батамом ғалаба қозонмагунча душманга қарши курашавераман.

Ҳайдарнинг ҳеч икки йўқ. Лекин у ёлғиз ҳам эмас. У тинчлик учун курашаётган афғон халқи катта оиласининг бир фарзанди. Бундай фарзандлар ўз ватанларининг оспанлигини сақлаб қолишга қодир. Хат ёзишиб турган курулдош дўстларимизнинг фикрлари ҳам шундай.

М. ҚОЗИЕВ.

25 Май—Африка озолиги кунини

Озодликнинг машаққатли йўлларида

1936 йил 25 майда Африка Бирлиги Ташкилотини тўзилганидан бундан жаҳон афғор оммаси бу санани Африка озолиги кунини сифатида нишонлаб келмоқда. Ана шу пайтдан бери Африка иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий тарқиқатда қандай ютуқларга эришди! Комил ишон билан айтиш мумкинки, Африка миллий-озодлик ҳаракати баъзи бир қийинчиликлар, ҳатто маълумиятлардан қатъий назар, зафарлар қўчди.

Авалло, Африка Бирлиги Ташкилотининг тўзилиши қийта давлатларнинг ютуғи эди. Халқларнинг мушамлақа зулмига қарши курашга халқро жамоатчилиқ хайрихоҳлигига эришиш, колониял ўтмишнинг асортли мероси, жумладан терроризм можааролари бартараф этиш каби мураккаб масалаларни ҳал этишда бу ташкилотнинг обрў-эътибори, тажрибаси ўсиб боради.

Антиимпериализм ва мушамлақачиликка қарши ҳамда қўшмаласлиқ сибсати принциплари, икбий нейтралитет қийтадаги ақсар давлатлар ҳаётини позицияларини белгиллаб берди. Африка дунё мамлакатларидаги ва тарихдаги ўз ўрнини ағлаб этиш учун машаққатли жараянин бошидан кечирди. Ҳақиқий мушамлақлик ва иқтисодий тарқиқатга эришиш йўлларида Африка халқлари тўб манфаатларини ифодаловчи кучлар социализмни факат илмий асосда, марксизм-ленинизмга таяниб қуриш мумкинлигини ағлаб етдилар.

Сўнгги ўн йилликлар Африка миллий-озодлик ҳаракати учун ғалабалар даври бўлди. Ангола, Мозамбик, Гвинея-Бисау ватанпарварларининг ҳарбий ғалабалари ва Португалиядаги антифашист тўнтариш Африкадаги португал мушамлақа режимиға барҳам берди. Унинг ўрнида тарқиқий-

парвар, суверен давлатлар пайдо бўлди: собиқ Родезия, ҳозирги Зимбабве империалистларнинг режасига қарам-қарши ўлароқ уларнинг кўйроқ ҳукумати ҳокимиятдан четлатилди ва ирқчиларга қарши узоқ йиллар кураш олиб бортан миллий-ватанпарвар кучлар мамлакатда социализм қуриш йўлини ташладилар. Ирқчиликнинг истеҳкомини ҳисобланган Жанубий Африканинг стратегик аҳоли кескин оғирлашди. 1976 йилги Союзтодаги қўзғолондан бошлаб Африка Миллий Конгресси раҳбарлигидаги мазлум халқларнинг озодлик ҳаракати тобора ўсиб бормоқда. Намбия ватанпарварларининг СВАПО раҳбарлигидаги ватан мушамлақчилиги учун, Жанубий Африка босқинчилирига қарши курулли кураши кенгаймоқда.

Эфиопиядаги монархияга қарши, антифеодал халқ инқилоби катта аҳамиятга молик қолмоқда бўлди. Қизил денгиз ҳавзасида Америка империализмининг ҳарбий истеҳкомига айланганлиги мўлжалланган қадимий давлат эндиликда социализмни қуриш йўлидан ривожланимоқда.

Африка мамлакатлари миллий ва иқтисодий тарқиқат йўлида кураш олиб бориб, бу соҳада муайян тажрибага эга бўлдилар, ким дўсту ким душманлигини ажратишга ўргандилар. Африка социализми, ка-

питалистик мамлакатлардаги революцион кучлар билан Африка миллий озодлик ҳаракати ўртасидаги иттиқоқ мушамлақчилиги бормоқда. Социалистик мамлакатлар билан некапиталистик тарқиқат йўлини танлаган Африка давлатларининг муносабатлари янада юқоридаги қонунга қўйилди. Жумладан, СССР билан Мозамбикка, Ангола, Эфиопияга тасдиқ дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартномалар имзоланди.

Социалистик мамлакатларнинг ақсар Африка давлатлари билан алоқалари, жумладан уларнинг мудофаа қудратини ошириш соҳасидаги ҳамкорлиги империалистларни иттиқоқчиликка қўйди. Африка ерларида зулм, ўтказишга одатланиб қолган империализм кийтадаги миллий-озодлик ҳаракатидан ўн олиш режаларини тўзмокда. Бу ишда АҚШ ва Фарбий Европанинг бир қабил мамлакатлари Жанубий Африка Республикасини ва бошқа реакция режимларининг ёлланма гуруҳлари ва тўдаларини дафойдаланиб, Замбия, Зимбабве, Ангола, Мозамбик каби иқтисодий тарқиқат йўлидан бораётган давлатларга таҳдид солмоқда. Шу мақсадда қийтадаги сулҳ ва тинчликка қарши кучларни зўр бериб куруллантормоқда.

Сўнгги 15 йил ичида Африка жаҳонда энг кам ҳарбий ҳаракатли минтақада энг кўп курулдошқа сотиб олувчи регионга айланди. Сўнгги 20 йил мобайнида қийта мамлакатларининг курулланлиги учун кетган сарф-ҳаражатлари 900 фоизга ўсди ва 9 миллиард доллардан 14 миллиард долларга етди.


Сўнгги йилларда Африка миллий-озодлик ҳаракатига халқро империализмнинг ҳуружи янада кучайиб бормоқда. Исроил сиоистлари, Жанубий Африка Республикасини ирқчилари каби ўзининг стратегик иттиқоқчилари ёрдамида Вашингтон Африка давлатлари, энг аввало Ангола ва Мозамбикка қарши куч ишлатиш, Намбия муаммосини адолатли ҳал қилишга говлар қўйиш, Чад Республикасининг ички можаароларга аралашушга урнимокда, Либияга қарши халқро террорчилик сибсатини ўтказмоқда.

Сиёсий таъйик ва иқтисодий дўқ-тўпса ёрдамида империализм Африка мамлакатларининг ташқи сибсатидидаги антиимпериалистик қийтадаги ақсар давлатлар неоконюнал томон-тарож қилиш туфайли юзасига келган оғир иқтисодий аҳоли, уларнинг улкан ташқи молиявий қарзи, сурункали курғоқчилик, жаҳон капиталистик кўжаллиги иқтисодий қарамлик каби омиллардан ҳам ваҳишона фойдаланимоқда.

Африка миллий-озодлик ҳаракати мураккаб даврини бошидан кечирмоқда. Лекин ҳеч шубҳа йўқки, империализмининг ҳозирги дағдағаларига социалистик давлатлар, бошқа демократик тинчликсевар кучлар ёрдамида илгари бўлгани каби қийта ватанпарварлари муносиб зарба берадилар. Ҳаёт диалектикаси тақозо этганидек, тарих гилдирагини орқага айлантириб бўлмайди.

Р. ҚОДИРОВ,
ТошДУ шарқ факультети доценти, тарих фанлари кандидати.

А. ЛУҚМОНОВ,
шарҳунос.



Пойтахтдаги Ф. Э. Дзержинский номидаги тошкентликларнинг севиали хибобларидан биридир.

А. Тўраев фотоси.

